

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.08/09.07.2020.San.118.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

НИШАНОВА КАМОЛА СОЛИЖОН ҚИЗИ

**XX-XXI АСРЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ МУЗЕЙЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**17.00.06 – Музейшунослик. Тарихий маданий объектларни консервация
қилиш, таъмирлаш ва сақлаш**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Нишанова Камола Солижон қизи

XX-XXI асрларда Ўзбекистон бадиий музейларининг ривожланиш
тенденциялари5

Нишанова Камола Солижон кизи

Тенденции развития художественных музеев Узбекистана XX-XXI вв.25

Nishanova Kamola Solijon qizi

The development trend of art museums in Uzbekistan in the XX-XXI centuries...49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.08/09.07.2020.San.118.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

НИШАНОВА КАМОЛА СОЛИЖОН ҚИЗИ

**XX – XXI АСРЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ
МУЗЕЙЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**17.00.06 – Музейшунослик. Тарихий маданий объектларни консервация
қилиш, таъмирлаш ва сақлаш**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/San22. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.stateartmuseum.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акилова Камола Балтабаевна
санъатшунослик фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Дурдиева Гавҳар Салаевна
архитектура фанлари доктори, катта илмий ходим

Абдуллаева Шахло Курбанбуриевна
санъатшунослик фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.08/09.07.2020.San.118.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 16 уй. Ўзбекистон давлат санъат музейининг мажлислар зали Тел.: (99871) 236-74-36; факс: (99871) 236-77-40; e-mail: tmi2007@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат санъат музейининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 16 уй.). Тел.: (99871) 236-74-36; факс: (99871) 236-77-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Б.В.Хасанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Т.С.Нуриддинова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тарих фанлари номзоди

А.А.Мадраимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда санъат ва маданият замон талабларига мувофиқ янгилаш жараёни фаол олиб борилаётган бир шароитда бадиий маданиятнинг турли соҳалари билан бир қаторда музей ишини ҳам ислоҳ қилиш талаб этилмоқда. Бу ҳолни юқори даражада ривожланган Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ, Японияда ҳам кузатиш мумкин. Музейлар иш фаолиятини тўлақонли бутун бир организмдек олиб бориш учун ижтимоий маданият мунтазам равишда ўзгараётган бир пайтда улар ишини фаоллаштириш ҳамда турли муҳим назарий ва амалий муаммоларни чуқурроқ ўрганиш, замонавий музей иши соҳасида изланишлар олиб бориш ва қулай конструктив ечимини топиш лозим бўлади.

Бадиий музейлар томонидан маданий меросни сақлаш билан бирга замонавий санъатни тўплаш ва келажак авлодга етказиш муаммоси ҳеч қачон ҳозиргидек жамият учун долзарб аҳамият касб этмаган. Глобализация даражасининг ўсиб бориши, атроф-муҳит реаллиги радикал равишда ўзгариши, моддий маданиятни инсон, унинг шахсияти ва тарихидаги ўрнини ўзгартириб юбормоқда ҳамда мазкур ўзгаришларни тушунтириш, таърифлаш йўллари ва ҳолатларини аниқлаштиришни тақозо этмоқда. Хусусан, жаҳон музейлари турли тарихий даврлардан то бугунги кунгача авлодларнинг мафкуравий тараққиётига замин, таълим ва тарбия воситаси ҳамда илмий тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистонда маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, санъат ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантириш, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда»¹. Шу мақсадда, инсоният тафаккурининг маънавий дунёқарашини ривожлантиришда, мавжуд халқлар маданий этногенезини белгилайдиган илмий манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – 48 б.

28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон «Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ – 4068-сон «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги 1019-сон «2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида музейлар фаолиятини такомиллаштириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган бадиий музейларнинг ташкил этилиши, фаолияти ва коллекцияларга оид адабиётлар ҳамда манбалар тадқиқ қилиниши жараёнида диссертация мақсад ва вазифасидан келиб чиқиб, учта гуруҳга бўлиб ўрганилди.

Биринчи гуруҳни Германия, Франция, АҚШ, Россия ва МДҲ музейларининг иш тажрибасига бағишланган фундаментал адабиётлар ва илмий тадқиқот материаллари ташкил этади.

ЮНЕСКОнинг Ироқдаги маданий меросни сақлаш ҳукуматлараро кўмитасининг илтимосига биноан Патрик Дж. Бойлан муҳаррирлигида нашр этирилган «Управление музеем: практическое руководство» китоби жаҳондаги кўплаб музей мутахассислари учун фундаментал қўлланма бўлиб келмоқда. Халқаро музейлар кенгаши ИКОМ ҳомийлигида нашр этирилган Петер ван Менш, Андре Девалье ва Франсуа Мерессларнинг кўп йиллик изланишлари натижаси, бир вақтнинг ўзида тарихий ва замонавий контекстда музей атамаларининг келиб чиқиши ҳамда эволюциясини жамлаган энциклопедик луғат¹ ҳам сўнгги йиллардаги муҳим тадқиқотлардан бири ҳисобланади.

Музей, жумладан, бадиий музейлар гуманитар билимларнинг турлитуман соҳаларини ўрганишнинг объекти бўлиб, тарихий-маданий, санъатшунослик кесимида Т.Юреньева², Е.Мастеница³, В. Грицкевич⁴ каби олимлар ва тадқиқотчилардан А.С. Панченко, Т.А. Сальникова, В.М.

¹ Менш, Петер ванн. К методологии музеологии / пер. с англ. В.Г.Ананьева. – М.: Перспектива, 2018. – 448 с.; Ключевые понятия музеологии / сост. А.Desvallees, F.Mairesse; пер.с фр. А.В.Урядниковой. Arman Colin, ИКОМ России, 2012. 98 с.

² Юреньева Т.Ю. Музей в мировой культуре. – М.: Русское слово, 2003. – 435 с.; Юреньева Т.Ю. Музееведение. – М.: Академпроект, 2003. – 382 с.

³ Культурное наследие и музей в XXI веке : учеб. пособие / ред. Мастеница Е. – СПб: СПбГУК, 2018. – 248 с.: ил.

⁴ Грицкевич В.П. История музейного дела конца XVIII- начала XX вв. – СПб.: СПбГУК, 2007. – 336 с.; Грицкевич В.П. История музеев мира. – М.: Изд-во Белорус, 2003. – 230 с.

Ахуновлар¹ томонидан илмий тадқиқ қилинган. XX аср охирига келиб, музей педагогикасига, жумладан, музейнинг умуман маданий-маърифий вазифасига катта эътибор берилиши М.Юхневич², Б.Столяров³, психологлар О.Платонова, Л.Лебедева⁴, музей дизайни ва архитектураси бўйича Я.Лоренц⁵, А.Щербина⁶, Т.Поляков⁷ каби назарийчиларнинг музейларга эътиборини жалб қилди.

Россиянинг «Мир музея» журнали⁸ музей ишидаги назарий ва амалий фаолиятнинг ривожланишига бағишланган илмий-амалий даврий нашр бўлиб, унда жаҳон музейлари фаолиятига оид ташкилий-ҳуқуқий асослар, экспозиция ва фонд ишига янги ёндашув, замонавий хавфсизлик тизими, музей ва кўргазмаларда менежмент ва маркетинг, музей ишида янги технологиялар ёритилиб борилади.

Иккинчи гуруҳда Ўзбекистон музейлари фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар⁹, музейшунослик соҳаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар¹⁰, ўқув қўлланмалар ҳамда дарсликлар¹¹, даврий матбуот материаллари ўрганилди. Н. Содиқованинг илмий ишларида Ўзбекистонда дастлабки музейларнинг пайдо бўлишидаги шарт-шароит ва мустабид тузумда маданий меросимизнинг турли йўллар билан олиб чиқиб кетилиши, XX асрнинг 70-йилларида музейларнинг ижтимоий-маданий фаолияти ёритиб берган¹².

¹ Панченко А.С. Основные тенденции современной выставочной деятельности художественного музея: на материале музеев Санкт-Петербурга рубежа XX - XXI вв. автореф. дис... канд. искусствоведения. - Санкт-Петербург. 2012. - С.23.; Сальникова Т. А. Художественный музей в коммуникационном пространстве региона. автореф. дис... канд. культурологии. - Краснодар. 2006. - С.26.; Ахунов В. М. Современные формы культурно-образовательной деятельности в художественном музее: Опыт Государственного Русского музея. автореф. дис... канд. искусствоведения. - СПб.: 2006. - С.21.

² Юхневич М.Ю. Я поведу тебя музей. Учеб. пособие по музейной педагогике. - М.: 2001. - 223 с.

³ Столяров Б.А. Художественный музей и эстетическое воспитание молодежи. - Л.: 1988. - 260 с.

⁴ Платонова О.В., Жвитиашвили Н.Ю. Арт-терапия в художественном музее: Учеб.пособие для студентов гуманитарно-художественных вузов. - СПб.: 2000.; Лебедева Л.Д. Педагогические основы арт-терапии в образовании. - СПб.: 2001

⁵ Лоренц, Я. Дизайн выставок: практическое руководство / Ян Лоренц, Ли Сколник, Крейг Бергер ; пер. с англ. П.В.Кодолова. - М. : АСТ: Астрель, 2008 - 256 с.

⁶ Щербина А.В. Музейное проектирование : учебно-методическое пособие. - Тольятти.: ТГУ, 2011. 68 с.

⁷ Поляков Т.П. Как делать музей? (О методах проектирования музейной экспозиции). - М.: Высшая школа, 1997. - 174 с.

⁸ Гнедовский М.Б. Что такое музейный маркетинг? // Мир музея. М., 1995. № 4.; Будко А. Научная концепция экспозиции // Мир музея. 2007. № 5.; Лебедев А. Музей на рынке свободного времени.// Мир музея. 2006. № 11.; Лысыкова Н. Музейная андрагогика // Мир музея. 2007. № 2.

⁹ «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил. - № 37-38.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // <http://strategy.regulation.gov.uz>;

¹⁰ Курбонова Д.Хориж музейларида сақланаётган Темурийлар даврига оид тарихий ва маданий ёдгорликлар. Тарих фан. ном. дис. ... автореферати. - Тошкент, 2009. - 30 б.; Курязова Д.Т. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида). Тарих фан. ном. дис. ... автореферати. - Тошкент. 2009. - 30 б.; Альмеев Р.Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития (1991-2000 гг.) Автореф. на соиск. уч. ст. докт. ист. наук. - Ташкент, 2012. - 50 с.

¹¹ Исмаилова Ж.Х., Мухамедова М.С. Замонавий жаҳон музейшунослиги. Ўқув қўлланма. - Тошкент: Munis design group, 2013. - 310 б.; Исмаилова Ж.Х., Нишанова К.С., Мухамедова М.С. Музей ва жамият. Олий таълим муассасалари учун дарслик. - Тошкент: Чинор ЭНК. 2015. - 174 б.; Мухамедова М.С. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда Миллий ва Халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни (XX-XXI асрлар). - Тошкент, Yosh kuch press matbuoti, 2017. - 297 б.

¹² Садикова Н. Музейное дело в Узбекистане. - Ташкент: Фан, 1975. - 290 с.; Шу муаллиф. Маданий меросимиз хазиnasi. - Тошкент: Фан, 1981. - 270 б.; Шу муаллиф. Единство научно-исследовательской и

XX асрнинг 90- йилларида музей ишига оид илмий тадқиқотлар биров сусайганини кузатиш мумкин.

Тадқиқотчи Р. Алмеев¹ Бухоро давлат музей-қўриқхонаси мисолида мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда музейлар бошқаруви, ҳамда И.Н. Илалов² музейларда илмий фонд ишларини ташкил этиш, электрон воситаларда ахборотларнинг тизимли банкни яратиш, истеъмолчининг музей хабарлари ва хазинасига эркин кира олиши каби масалаларни ишларида кенг ёритганлар. Ж.Х.Исмаилова, К.С.Нишанова М.С.Мухамедова³ ҳамда музей соҳасида фаолият юритаётган бир қатор мутахассислар музей ва жамият ўртасидаги муаммоларга доир изланишлар олиб боришган⁴. Д.Т.Курязованинг илмий тадқиқот ишида Ўзбекистонда тарих ихтисослигидаги музейларнинг ташкил этилиши ва мустақилликкача бўлган ривожланиш даври босқичма-босқич ўрганилган⁵. 2017 йилдан бошланган «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» халқаро лойиҳа доирасида чоп этилаётган альбомлар коллекцияларни мақсадли ўрганишга йўналтирилгани билан ажралиб туради⁶.

Учинчи гуруҳда Ўзбекистон давлат санъат музейи, Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи ва Ўзбекистон Амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи фаолиятига оид илмий манбалар тадқиқ этилди. 1929 йилда нашр этирилган А.М. Мироновнинг «Художественный музей в Ташкенте»⁷ китоби Ўзбекистон давлат санъат музейи фаолиятига бағишланган илк адабиётлардан бири ҳисобланади. XX асрнинг 30-60 йилларида музейнинг илмий ходимлари М.С. Андреев, М.А. Бикжанова, А.К. Писарчик ва Н.В. Русиновалар томонидан музейнинг маълум бир

идейно-воспитательной работы музеев Узбекистана. Ташкент: Фан, 1987.; Шу муаллиф. Историография и источники по музейному строительству. Ташкент: Фан, 1987.; Шу муаллиф. Мулки торож ўзбегим. Ташкент: Фан-ҳазина, 1995. – 42 б.; Шу муаллиф. Ўрта Осиёда музейларнинг шаклланиши // Мозийдан садо. Ташкент, 1999. – № 1-2. – Б. 16-23.

¹ Алмеев Р. Музей Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. Т., 2007. С. 230.

² Илалов И.Н. Музееведение. Учеб.пособие для вузов. МВ и ССО РУз. – Т., 2006.

³ Исмаилова Ж.Х., Мухамедова М.С. Замонавий жаҳон музейшунослиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Munis design group, 2013. – 312 б.; Исмаилова Ж.Х., Нишанова К.С., Мухамедова М.С. Музей ва жамият. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: Чинор ЭНК. 2015. – 174 б. Мухамедова М.С. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда Миллий ва Халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни (XX–XXI асрлар). – Тошкент, Yosh kuch press matbuoti, 2017. – 297 б.

⁴ Дресвянская Г.Я. Музей ва жамият // Мозийдан садо 2000. № 1-2. Исмаилова Ж. Музей – тарих кўзгуси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – № 2 (18). – Б. 17-78.; Содикова Н. Ўрта Осиёда музейларнинг шаклланиши // Мозийдан садо 1999. № 1-2. Иноятов Қ. Ватанга муҳаббат шу ерда туғилади // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 4-7.; Қаюмов Р. Самарқанд давлат музей қўриқхонасининг халқаро алоқалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. – № 4. – Б. 11-12.; Левтеева Л. Юбилейные выставки в музее истории Узбекистана // Мозийдан садо. – Ташкент, 2006. – № 2 (30). – С. 34-37.; Ртвеладзе Э. Из истории Великого Шёлкового пути // Мозийдан садо. – Ташкент, 1999. – № 3. – С. 8-13.; Фатхуллаев Р. Музей ишида замонавий ахборот технологияси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. – № 2 (14). – Б. 8-11.; Ҳабибуллаев Н. Темурийлар тарихи давлат музейи // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 4 (32). – Б. 5-8.; Шу муаллиф. Ўзбек музейларининг истиқболи // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 1-2. – Б. 12-13.; Ёрмухаммедов Ў. Нажотбахш қарор // Гулистон. – Тошкент, 1995. – № 2. – Б. 28-29. Воҳидов Ш., Ёқубов Ж. Кичик масканларнинг улкан вазибалари // Мозийдан садо, Тошкент, 2000. – № 2. – Б. 18-20.

⁵ Курязова Д. Музей иши тарихи ва назарияси: Касб хунар коллежалари учун ўқув қўлланма. Т., 2007 – 160 б.; Курязова Д.Т. Музей иши асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2020. – 180 б.;

⁶ Ўзбекистон маданий мероси муаллифлик туркуми: Ўзбекистон давлат санъат музейи тўпламларида Ўзбекистон санъати. – Т.: Uzbekistan Today, 2018. – 448 б.;

⁷ Миронов А.М. Художественный музей в Ташкенте. – Т.: Музей УзССР, 1929. 35 б.

коллекцияларига бағишланган қўлёзмалари бугунги кунда музей кутубхонасининг ноёб қўлёзмалар фондида сақланиб келмоқда. 60-80 йилларда С.М. Круковскаянинг «В мире сокровищ» китоби ҳамда «Государственный музей искусств Узбекской ССР» номли музейнинг йўлқўрсаткичи нашр этирилган¹. С.Абдуллаевнинг «Экспозиция советского искусства в новом здании ГМИ УзССР» мақоласида музейнинг 70-йиллардаги экспозиция ва кўргазма фаолияти ёритилган. XXI асрнинг дастлабки йилларида А.А.Ҳакимовнинг илмий муҳаррирлиги остида нашр этирилган каталог², музей раҳбари ва илмий ходимлари томонидан тайёрланган даврий нашрлардаги илмий мақолалар³ ҳамда сўнгги йилларда «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» мегалойиҳаси доирасида нашр этилган «Ўзбекистон давлат санъат музейининг тўплами» китоб-альбоми⁴ шулар жумласидандир.

Қорақалпоғистон давлат санъат музейи фаолияти ва коллекцияларининг тўпланишига оид «Государственный музей искусств Каракалпакской АССР» номли биринчи каталог⁵ И.В. Савицкий муаллифлигида 1976 йилда тайёрланган. Музейнинг собиқ директори, санъатшунос Мариника Бабаназарова устози И.В. Савицкий хотирасига бағишлаб ёзган «Игорь Савицкий. Художник, собиратель, основатель музея» биографик китоби рус, инглиз, француз ва испан тилларида нашр этирилган. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан музей тарихи ва коллекцияларининг шаклланиши ҳақидаги энг йирик нашр ҳисобланган «Лувр в пустыне» китоб-альбоми ҳамда «И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи тўплами» нафақат маҳаллий балки, хорижий мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда⁶.

¹ Круковская С.М. В мире сокровищ – Ташкент: 1982. – 231 с.; Ўзбекистон санъати музейи: йўлқўрсаткич. Н.К.Азизова, С.М.Круковская. – Тошкент: Ўзбекистон. – 1965. 116 б.; Государственный музей искусств узбекской ССР. Живопись // Авт. вст. статьи Е.М.Никифорова. – Л.: 1975. –247 с.;

² Ўзбекистон Давлат санъат музейи // Муҳаррир А.Ҳакимов, мақола муаллифи С.Манасьян –Ташкент: 2004.–263 б.

³ Иброхимова Н. Ҳайрат олами//Moziydan sado. – Тошкент, 1999. – № 1-2 (01). – Б. 78-82.; Нишанова К. Сокровища опального князя// Мир музея. – Россия, 2018. - №371 (07). - С.53-55.; Файзиева В. «Государственный музей искусств Узбекистана: история создания и формирования коллекции»// Молодой учёный. – Москва, 2019. - №11. -С. 131-134.; Файзиева В. Нафосат маскани // - Гулистон. – Тошкент, 2019. №1. – Б 46-47.

⁴ «Ўзбекистон маданий мероси» муаллифлик туркуми: «Ўзбекистон давлат санъат музейи тўплами» китоб-альбоми/ Ф.Ф.Абдухолиқов, Э.В.Ртвеладзе, К.Б.Акилова // – Тошкент: «Uzbekistan Today» АА, 2020. – 464 б.

⁵ Савицкий И. Государственный музей искусств Каракалпакской АССР. М., 1976

⁶ И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи тўплами // Китоб-альбом. Ф.Ф.Абдухолиқов, Э.В.Ртвеладзе, К.Б.Акилова // – Тошкент: «Uzbekistan Today» АА, 2017. – 448 б.

Бабаназарова М. «Игорь Савицкий. Художник, Собиратель, Основатель музея», автор (на русском языке). Лондон, 2011г.; Бабаназарова М. Ноёб хазина // San'at. – 2003. №2. - Б. 19-24; Бабаназарова М. Бир коллекция тарихи//Мозийдан садо.-1999. №1-2.-Б 50-51; Забытие полотна. Живопись и графика из собрания Нукусского музея // Кат. выс. [Предисл. Газиевой Э.Д.]. – М.: 1988. – 51 с.: ил.; Авангард, остановленный на бегу: Альбом /авт. вст. ст. Е.Ковтун, М.Бабаназарова, Э.Газиева. – Л., 1989. – 239 с.: ил.; Авангард XX века. Из собрания Государственного музея искусств Республики Каракалпакстан. Тексты: А.Ҳакимов, М.Бабаназарова. – Ташкент. 2003. – 156 с.; Венок Савицкому: живопись, рисунок, фотографии, документы. – Москва, 2011. – С. 202.; «Лувр в пустыне». Книга-альбом. Научный редактор и автор вступительных статей. Тошкент. 2017. Б. 650.

Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи коллекцияларига оид каталоглар Н.Н.Толипова¹ ва музей илмий ходимлар томонидан даврий нашрларда мақолалар нашр эттирилган.

Музейлар фаолиятига доир тарихий-назарий ва монографик масалаларни ишлаб чиқишда тадқиқотчиларнинг қўшган муҳим ҳиссасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистонда бадиий музейларининг ривожланишига бағишланган назарий-таҳлилий тадқиқотлар тизимли олиб борилмаганини таъкидлаш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №PZ-2017-0930306 «Ёшларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришда тасвирий санъат имкониятларини татбиқ этиш» (2018-2021 й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср охири ва XXI аср бошларида Ўзбекистонда бадиий музейлар фаолиятидаги тарихий-сиёсий, мафкуравий, услубий жиҳатлари асосида бадиий музейлар фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда бадиий музейларни ташкил этилиши ва бошқаришнинг тарихий аспектларини ёритиш;

бадиий музейларни ривожлантиришнинг ташкилий, илмий ва лойиҳавий таъминлаш тизимини ўрганиш;

музей фаолиятида фонд иши ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган ҳолда санъат асарларини сақлаш, намойиш этишдаги муаммоларни аниқлаш;

Ўзбекистонда музейшунос кадрларни тайёрлашдаги тарихий жараёнларини таҳлил қилиш ва касбий салоҳиятни баҳолаш;

фактик, кутилаётган ва виртуал музей ташрифчилари билан ишлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш, қулайлик яратишнинг инклюзив услубларини тадқиқ этиш;

бадиий музейлар фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср ва XXI аср бошларида Ўзбекистонда бадиий музейлардан Ўзбекистон давлат санъат музейи, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи ҳамда Ўзбекистон давлат амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейлари фаолиятининг ривожланиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини XX аср ва XXI аср бошларида Ўзбекистонда бадиий музей ишининг ривожланиш йўналишлари ва уларнинг асосий муаммолари ташкил этади.

¹ Толипова Н.Н. Шедевры прикладного искусства Узбекистана. – Ташкент: 2003. – 180 б.; Ўзбекистон амалий санъати дурдоналари. – Тошкент: 2011. 120 б.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, қиёсий таҳлил, хронологик тизимли таҳлил, таснифлаш, кузатув усуллари билан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX асрда князь Н.К.Романовнинг шахсий коллекцияси асосида Ўзбекистонда биринчи бадиий музейнинг ташкил этилганлиги, этнограф олим М.С.Андреевнинг ташаббуси билан «Половцев уйи» музейга айланганлиги, рассом И.В.Савицкийнинг тўплаган ноёб санъат асарлари «Саҳродаги Лувр» мақомига эга бўлганлиги аниқланган;

бугунги кунда музейлар фақат фактик ташрифчиларга хизмат кўрсатиб, потенциал ва виртуал аудиториянинг талаб ва таклифлари, қизиқишлари ўрганилмаганлиги, экскурсия пакетлари ишлаб чиқилмаганлиги аниқланиб, музей аудиторияси билан ишлашда стандарт методлардан ташқари рақамли сервис орқали подкаст, чат-ботларда викториналар, онлайн вебинарлар, AR-ниқоблар, воркшоп имкониятларидан фойдаланишнинг концептуал лойиҳаси ишлаб чиқилган;

XVI асрдан бошлаб Европада музейлар фаолиятининг йўлга қўйилиши билан дастлаб муҳофизлар, экскурсоводлар, XIX аср охири XX аср бошида илмий ходимлар, реставраторлар, XX аср ўрталаридан музей педагоглари, XX аср охирига келиб музей менежери ва маркетинг, экспозиция дизайнери каби касблар босқичма-босқич шаклланиб аниқланган;

санъат асарларини жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, оммалаштириш ва тарғиб этишда Ўзбекистон бадиий музейларини ребрендинг қилиш, йиллар давомида музей захираҳоналарида сақланаётган музей ашёларини брендга айлантириш, бунинг натижасида музей айдентикасини такомиллаштириш имконияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бадиий музейлар асосида Ўзбекистонда музейларни ташкил этиш, бошқариш, музей коллекцияларини сақлаш ва намойиш этиш жараёни ва истиқболлари кўрсатиб берилган;

музейлар инфратузилмаси сифати даражасини ошириш, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларнинг музейларга кириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ташриф буюрувчиларнинг эҳтиёжларини мунтазамлик асосида таҳлил қилиш, турли ёшдаги ташрифчилар учун музейларда инклюзив дастурларни амалга ошириш зарурлиги аниқланган;

бадиий музейларнинг илмий ходимлари учун экскурсия маъруза матнини тайёрлашда фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқ этилаётган муаммага илмий-методологик ёндошув, тадқиқот мақсади, предмети, методлари, вазифаларининг ўзаро мослиги, тажриба-синов ишларининг бадиий музейлар мисолида таҳлил этилганлиги, мавзу юзасидан эълон қилинган илмий ишлар мазмуни ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий

рассомлик ва дизайн институти Музейшунослик (музей менежменти ва маданий туризм) ва Музейшунослик (музей предметлари экспертизаси, консервациялаш ва таъмирлаш) таълим йўналиши талабаларига «Музейшунослик», «Музей ва жамият» каби мутахассислик фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда баён этилган ғоялар ва хулосалардан бадий ва бошқа йўналишдаги музейлар фаолиятида амалга оширилаётган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. XX-XXI асрларда Ўзбекистон бадий музейларининг ривожланиш босқичларини ўрганиш юзасидан олинган куйидаги илмий натижалар асосида:

Музейларда экспозиция – кўргазма фаолиятини ривожлантириш, музей фондларини сақлаш ва комплектлаш масалалари Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейининг янги илмий концепциясини ишлаб чиқиш ва экспозицияни янгилашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 01-11-08-4077-сон далолатномаси). Концепцияни яратиш ва амалиётга татбиқ этишда диссертациядаги амалий таклиф ва хулосалар замонавий экспозицияни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистонда бадий музейларнинг шаклланиши ва ривожланиш истиқболларига оид илмий натижалардан ЮНЕСКОнинг «Музейлар бошқарувида ўқув дастурларини амалга ошириш» лойиҳаси доирасида 2015 йил нашрга тайёрланган дарслик мавзуларини ёритишда ҳамда Музейшунослик йўналиши бакалаврият босқичига мўлжалланган «Жаҳон музейшунослиги» ўқув дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадий академиясининг 2018 йил 5 декабрдаги 0309/430-1983-сон далолатномаси). Тадқиқот натижалари музей коммуникацияси, менежменти ва маркетинги билан боғлиқ мавзуларни тайёрлаш, бирламчи манбалар асосида бойитиш, музей иши асослари ҳамда тарихий-назарий масалалари борасида илмий хулосаларни кенгайтиришда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақола нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (улардан 5 таси республика ва 2 таси чет эл журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 140 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, даврий чегараси, ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети ёритилган, муаммога оид манбалар таҳлил қилинган, тадқиқот методлари асосланган, мавзунинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқот апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **«Бадиий музей маданий феномен сифатида: тадрижий ривожланиш тарихи»** деб номланган биринчи бобда ХХ асрда музейларнинг ижтимоий-маданий вазифасига оид такомиллашув омиллари ҳамда Ўзбекистонда бадиий музейлар фаолияти ривожланишининг тарихий аспекти тадқиқ этилган.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётдаги янгиланишлар музейлар фаолиятига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Музейлар фаолияти йўналишлари ва уларнинг тараққиёти концепциясининг бир қисми сифатида, музей ишини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолди.

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида жамиятда янги эҳтиёжлар шаклланиб, Туркистонда ҳам музейларнинг зарурлиги англанди ва кўп сонли коллекция ҳамда тўпламлар вужудга келиб, дастлабки музейлар ташкил қилинди. Рус олимлари Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, Е.Ф.Каль, А.Н.Самойловичлар Туркистон ўлкасини ўрганиш, Ўрта Осиё халқлари ҳаёти билан танишиш давомида маҳаллий зиёлилар, турли халқлар вакиллари билан бевосита мулоқотда бўлиб, ўз илмий тадқиқотларида улардан олинган маълумотларга таяндилар. Айни пайтда рус мутахассислари билан ҳамкорлик маҳаллий зиёлилар орасида коллекционерлик фаолияти билан шуғулланувчилар сонини ортишига олиб келди¹.

Ўз тарихи мобайнида Ўзбекистон музейлари ўзига хос тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, бунда жамият ривожининг ижтимоий, сиёсий, мафкуравий дискурсларини ўзларида акс эттирдилар. Уларда катта музей фонди тўпланди, бу мамлакатнинг маданий бойлиги ҳисобланади ва у ўзига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни, асрашни, ўрганиш ва тарғиб қилишни талаб этади.

Музей жамиятга хизмат қилиши ва унинг ривожланишига ёрдам бериши керак деган маъно қабул қилинган. Хорижий мутахассислар фикрича музей – анча мураккаб тушунча бўлиб, унга тугал, мунозарасиз ва ҳаммани қаноатлантирадиган таърифни бериш қийин².

Кўпгина давлатлар қонунчилик ёки ўзларининг миллий ташкилотлари доирасида музей тушунчасини ўрнатишган. Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонунида музейга қуйидагича таъриф берилган: «Музей – музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда

¹ Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. – Т.: Санъат, 2010. – Б.130.

² Юрнева Т.Ю. Музей в мировой культуре. – М.: Русское слово, 2003. – с.

оммага намоиш этиш учун мулкдор томонидан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат маданият муассасаси»¹.

Бугунги кунда кенгроқ тан олинган профессионал музей тушунчаси Музейлар Халқаро кенгаши (ИКОМ)нинг 2007 йилда қабул қилинган Низомига биноан: «Музей – бу инсон ва атроф муҳитнинг моддий ва номоддий далилларини таълим ва маънавий хордиқ чиқариш мақсадларида тўплаш, сақлаш, тадқиқот ва тарғибот қилувчи ҳамда омма учун очиқ бўлган, жамият ва унинг тараққиёти учун доимий асосда фаолият юритувчи нотижорат муассаса». Бундан 30 йил олдин тасдиқланган таърифда эса: «Музей – бу инсон ва атроф муҳитнинг моддий далилларини таълим ва маънавий хордиқ чиқариш мақсадларида тўплаш, сақлаш, тадқиқот ва тарғибот қилувчи ҳамда омма учун очиқ бўлган, жамият ва унинг тараққиёти учун доимий асосда фаолият юритувчи нотижорат муассаса» (ИКОМ, Низом, 1974)².

Ушбу музейга берилган икки таъриф ўртасида бир қарашда фарқини англаш қийин. 2007 йилда тасдиқланган Низомдаги таърифга «номоддий мерос» тушунчаси қўшилган.

Мамлакатда музей ишини ривожлантиришга ёрдам бериш, жамиятни, маданият ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим ресурси сифатида музейларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитларни яратиш Ўзбекистонда музейларни ривожлантиришнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади, бунинг натижасида музей иши замонавий юқори технологик соҳага айланиши керак.

Ўзбекистонда бадиий музейларнинг ташкил этилиши, фаолиятининг кенгайиши ҳамда ривожланиши Ўзбекистон давлат санъат музейи, Қорақалпоғистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейлари асосида таҳлил этилди.

1917 йил октябрь ойида амалга оширилган давлат тўнтаришидан сўнг хонларнинг сарой коллекциялари, шу жумладан Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йили 19 апрелдаги декрети билан князь Николай Константинович Романовнинг саройи давлат мулки деб эълон қилинди. Шу йилдан эътиборан Туркистонда биринчи бадиий музей ташкил этилиб, сарой - халқ музейига айлантилди. Тадқиқотда музейнинг 100 йиллик фаолияти 7 та асосий босқич: 1918-1929 йилларда дастлаб Марказий бадиий музей, 1924 йилдан Тошкент санъат музейи номи билан фаолият юритган; 1929-1935 йилларда музей консервация қилинади³; 1935-1941 йилларда музей фондини комплектлаш ишлари олиб борилади⁴; 1945-1966 йилларда коллекцияларни илмий рўйхатга олиш жараёнлари; 1966-1974 йилларда зилзила оқибатида музей фондини навбатдаги кўчиши ва ноширлик фаолияти⁵; 1974-1991 йилларда музейнинг янги бинодаги фаолияти¹;

¹Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 364-модда.

² Ключевые понятия музеологии / Сост. Andre Desvallees и Francois Mairesse. – ИКОМ России, 2012. – 105 с.

³ ЎзР МДА. Р-396-жамғарма, 1-рўйхат 58-иш, 30-варақ.

⁴ ЎзР МДА. Р-94-жамғарма, 5-рўйхат, 2249-иш, 50-варақ.

⁵ ЎзР МДА. Р-2296-жамғарма, 5-рўйхат, 5а –иш, 79-варақ.

1991-2018 йилларда музей фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш каби даврларига бўлиб ўрганилди.

Ўзбекистон амалий санъати ва хунармандчилик тарихи давлат музейи фондининг шаклланиши ҳам катта даврни қамраб олиб, қуйидаги босқичларга бўлинади: 1927 йил Тошкентда илк бора ташкил этилган «Ўзбекистон уста хунармандларининг энг яхши ижод намуналари кўргазмаси»да намойиш этилган илк ашёлар; 1930 йилларда анъанавий тусда ўтказила бошланган «Ўзбекистон халқ хўжалиги кўргазмаси»да намойиш этилган ашёлар; 1935 йил 7 июлида «Миллий хунармандчилик музейи» сифатида фаолияти бошлагандан сўнг сотиб олинган ашёлар; 1938 йилда музейни XIX асрнинг бетакрор меъморий ёдгорлигига «Половцев уйи»га кўчирилиб ўтказилиши ўз навбатида музейни «Очиқ осмон остидаги» музейга айлантирилиши²; 1997 йил 15 августдаги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказилиши Ўзбекистон Амалий санъат музейи мақоми берилиш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги «2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 975-сонли қарорига мувофиқ музей Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейи номи билан қайта ташкил этилиб, илмий концепцияси ишлаб чиқилди.

Қорақалпоқ маданияти ва санъати кўп тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Бироқ уларнинг сафида И.В.Савицкий номи алоҳида ўрин тутади. Игорь Витальевич таниқли археолог-олим Хоразм археологик-этнографик экспедицияси раҳбари Татьяна Александровна Жданко таклифи билан Қорақалпоғистонга рассом сифатида келган эди. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида муайян муддат фаолият юритиб (1950-1959 йиллар), этнографик материаллар тўплаш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Рус авангардига доир коллекциянинг юзага келишида И.Савицкийнинг XX аср санъатига объектив баҳо беришга қодирлиги муҳим роль ўйнади. Амалга оширилган ишлар натижасида Савицкий ташаббуси билан 1966 йилда ташкил этилган музей хазинасида санъат оламига 1920-1930-йилларда кириб келган, бироқ эътибор қозонмаган рус рассомларининг «формалистик» ишларидан жамланган ноёб коллекция пайдо бўлди. Бу ижодий мерос рус авангарди ҳақидаги қарашларни тўлдириш билан бирга, уни кенгайтиришга ҳам хизмат қилади. Савицкий сафдошлари билан Қорақалпоғистоннинг шимолини кезиб чиқишади ва қорақалпоқ маданиятининг генофонди ҳисобланган коллекцияни тўплашади³.

2002 йилда ўзбек заминини юракдан севган олим, рассом И.В.Савицкийнинг ушбу халқ маданиятига қўшган беминнат хизматлари

¹ Ўзбекистон Давлат санъат музейининг йиллик ҳисоботлари.

² ЎзР МДА. Р-2087-жамғарма, 3-рўйхат 24-иш, 119-варак.

³ Акилова К. Саҳродаги Лувр: коллекция тарихи ва унинг ўзига хослиги// San'at. – 2003. №2. - Б. 4-9

муносиб баҳоланди – «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланиб, Қорақалпоғистон давлат санъат музейига рассомнинг номи берилди¹.

Тадқиқотда XX асрда Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий муҳитнинг музейларнинг ривожланишига таъсири, уларда тўпланган катта музей фондига нисбатан бугунги кундаги эҳтиёткорона муносабат, ўрганиш ва тарғиб қилиш масалалари манбалар асосида очиб берилди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон маданий сиёсатида музейларни ривожлантириш масалалари**» деб номланган иккинчи бобда мустақиллик йилларида Миллий музей фондини комплектлаш, сақлаш ва намойиш этишдаги илмий-амалий асослари ҳамда Ўзбекистонда музейшунос мутахассисларини тайёрлаш масалалари тадқиқ этилди.

Музей заҳирахонаси ҳар қандай музейнинг ниҳоятда муҳим, одатда коллекциянинг катта қисми сақланадиган жойдир. У музей ва унинг дастурлари ривожланишида ҳам муҳим ўринни эгаллайди, чунки заҳирахона фаолияти илмий тадқиқотлар, консултация, кўргазма, сақлаш ҳамда коллекцияларни вақтинчалик фойдаланишга топшириш каби бошқа фаолият турлари билан яқиндан боғлиқ. Заҳирахона коллекциялар бутлиги ва очиқлигини таъминлагани боис, билим ва тадқиқот марказлари сифатида ўз ролларини давом эттирмоқчи бўлган музейлар олдида коллекцияларни тегишлича авайлаш ҳамда улар сақланишини бошқариш каби долзарб вазифа туради.

XX аср охирига келиб, музей ашёлари ва коллекцияларини жаҳон стандартлари талаби асосида рўйхатга олиш ва сақлаш билан боғлиқ муаммо барча музейлар олдида турган энг долзарб масалага айланди. И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейлари Маданият вазирлиги томонидан «Музейлар фаолиятини такомиллаштириш учун 2012-2021 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» асосида 2018 йилда 2 та янги блоки қуриб топширилди. Шундан 1 та блоки махсус музей фонд заҳирахонаси учун мўлжалланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги «2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 975-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Давлат санъат музейи ва Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейлари ҳам реконструкция қилиниб, махсус фонд заҳирахоналари қурилиши режалаштирилган.

Мустаҳкам ва синалган малакалардан фойдаланиб, музей фаолиятини ва ҳужжатлаштириш ишларини мукаммаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 октябрдаги «Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар тўғрисида»ги 237-сонли, 2010 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонунини рўйбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 68-сонли Қарорларида Миллий музей фонди тўғрисидаги ва Миллий музей фонднинг Давлат каталоги

¹ Авангард XX века. Из собрания Государственного музея искусств Республики Каракалпакстан. Тексты: А.Хакимов, М.Бабаназарова. – Ташкент. 2003. – С. 28.

тўғрисидаги Низомлар ишлаб чиқилди. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Миллий музей фондининг Давлат каталогини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди. Давлат каталоги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан юритилади ҳамда электрон ва босма маълумотлар базаси кўринишида шакллантирилади.

Мазкур қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йил Маданият вазирлиги тасарруфидаги Сертификация ва компьютерлаштириш маркази мутахассислари томонидан «SKM-MUZEY» дастури ишлаб чиқилди. Дастурининг асосий вазифаси республикамиздаги барча музейлар фондидаги экспонатлар ҳаракатини назоратга олиш, маҳаллий ва хорижий кўргазмаларни ўтказиш жараёнини енгилаштириш ҳамда «SKM-GID» дастури орқали – сенсорли киосклар ёрдамида фонд заҳирахоналардаги экспонатлар ҳақида қўшимча маълумотлар беришдан иборат эди. 2010-2018 йиллар давомида дастурни музейлар фаолиятига тадбиқ этиш жараёнида бир қанча камчиликлар юзага келиши сабабли лойиҳа якунига етказилмади.

Давлат каталогини яратиш жараёни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган музейларига тоифа бериш, музейларда сақланаётган музей ашёлари ва музей коллекцияларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва музей ходимларининг малакасини ошириш тадбирларини ўз ичига олган эди.

XX асрнинг 30-йилларида музей соҳасида олиб борилган қайта қуришлар аввалом бор бу соҳада ҳам малакали кадрларни тайёрлаш масаласи долзарблигини кўрсатган. Дастлаб, 1929 йилда Наркомстарис (Народный комитет старинных искусств) қарорига кўра Собик Иттифокнинг марказий олий таълим муассасаларида 9 ойлик малака ошириш курслари ташкил этилган. 1932 йилда Санкт-Петербург ва Москва Давлат Университетларида музей-ўлкашунослик бўлимлари очилган. 1934 йил кузда Олий музей курслари очилиб, уларда кундузги ва сиртки бўлимлар доимий фаолият олиб борган¹.

